*Адл ила олам юзин обод қил!*

# Куч-адолатда

2023 йил
3 февраль,
жума
№ 5 (935)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.kuch-adolatda.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ВОДИЙ ЖАВОҲИРИ ФАРҒОНА ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА БЎЛМОҚДА

***Президент Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Фарғона вилоятида бўлиб, ҳудудлардаги амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.***

Халқимиз фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиёт ривожида йирик лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳар бир шаҳар ва туманнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда истиқболли режалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида “Global textile infinity” кластерининг ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Ўшандаги кўрсатмалар асосида лойиҳа жадаллаштирилиб, декабрда ишга туширилди.

Бу галги ташрифда Қўштепа туманидаги мазкур тўқимачилик корхонаси кўздан кечирилди.

Бу ерда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг тўлиқ жараёни йўлга қўйилган. 132 миллион евро эвазига катта фабрика ташкил этилиб, Швейцариянинг “Rieter Machine Works” ускуналари ўрнатилган.

Корхона йилига 18 миллион метр аралаш мато ҳамда 10 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Европа давлатлари ва Хитойга 85 миллион евролик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Бунинг учун корхонада сифат лабораторияси ташкил этилган.

Президент тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, таниқли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологиялар қўлланилмоқда. Иншоотнинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Буларнинг натижасида қарийб 23 фоизгача энергия самарадорлигига эришиш мумкин.

Ҳозирги биринчи босқичда корхонада 1 минг 500 нафар киши ишламоқда. Жорий йил март ойида фабрикада тўқима мато ишлаб чиқариш бошланади. Шунингдек, Учкўприк туманида ип-калава ва мато тайёрлаш ҳамда пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этилмоқда. Шунда кластердаги жами иш ўрни қарийб 5 мингтага етади.

Бу ерда ўқув ва касаначилик маркази ҳам очилган. Унда корхона учун зарур 4 та йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда.

Ушбу кластер мажмуасида водий вилоятларида пахта-тўқимачилик саноатини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўтган олти йилда бу вилоятларда 35 та кластер ташкил этилиб, 670 миллион долларлик 150 дан ортиқ йирик лойиҳа ишга туширилган.

Маълумки, шу йил 26 январда пахтачилик кластерлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга оид Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, кластерлар пахта етиштиришга ўғит, уруғ, ёқилғи учун имтиёзли кредитларни исталган вақтда олиш имконига эга бўлди. Уларга ғўза навларини мустақил жойлаштириш, четдан ҳосилдор навларни селекция учун олиб келишга рухсат берилди.

Шунингдек, лазерли текислагичларни сотиб олишда улар қийматининг 30 фоизи бюджетдан қоплаб берилади. Ишлаб чиқаришни илм билан боғлаш мақсадида ҳар бир кластерга пахтачилик илмий ташкилотлари ва агрохизмат марказлари бириктирилади.

Йиғилишда мазкур чора-тадбирларнинг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, ип-калавани чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Водийнинг 23 та туманида “хом ашё – тайёр маҳсулот – экспорт” занжири асосида, тўқимачилик саноатини чуқур ривожлантириш учун барча имконият ва шароитлар бор. Шу боис мазкур 3 та вилоятда тўқимачилик маҳсулотлари экспортини жорий йилда 2,5 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқларидаги бугунги тенденцияга ҳамоҳанг, кластерлар ҳам энергия истеъмолининг бир қисмини муқобил манбаларга ўтказиши зарурлиги қайд этилди.

Президент Қувасой шаҳридаги “Art soft ceramics” корхонасида бўлди.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Мамлакатимизда сўнгги йилларда одил судловни таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Сўнгги олти йилда суд тизимига оид элликдан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.***

*Муносабат*

## ОДИЛ СУДЛОВ ва қонун устуворлиги



### *суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади*

Шунингдек, амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасидаги устувор вазифалар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топди.

Муҳими, ушбу йўналиш доимий равишда давлатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Турмуш чорраҳаларида*

## БАХТЛИ ОИЛА – жамият таянчи

### *бунга эришиш учун нималарга эътибор қаратиш талаб этилади?*



***Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилада эркак ва аёлга ўзига яраша масъулият, бурч ва вазифалар юклатилган. Айнан оила умримизга мазмун, ҳаётимизга файз бағишлаб, жамият равнақи ва юрт тараққиётида муҳим ўрин тутади. Зеро, соғлом муҳит барқарор бўлган оилаларда соғлом ва юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатадиган фарзандлар камол топади. Аммо ҳаётда ўз оиласи олдидаги масъулияти, бурч ва вазифаларини унутган кимсалар ҳам учраб туради.***

(Давоми 2-бетда) ▶

*Парламент фаолияти*

## Қонунчиликдаги янгиликлар

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, депутатлар томонидан қабул қилинди.***



### ЙЎЛ ҲАРАКАТИДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ВА СОҲАГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ



Депутатлар дастлаб амалдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган **“Йўл ҳаракати тўғрисида”**-ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасида бу борадаги асосий тушунчалар замон талаблари, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқилган ва таҳрир қилинган. Хусусан, қонун лойиҳасида қонунийлик, тизимлилик, илмийлик, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси устуворлиги, маҳаллий аҳоли ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг фикрини инобатга олиш йўл ҳаракати соҳасидаги асосий тамойиллар сифатида эътироф этилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Таҳлил ва таклиф*

## Суд жарималари

### *инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади*

***Аввало шуни айтиш керакки, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида процесс иштирокчилари ва фуқаролик ишига алоқадор бошқа шахслар ҳам суд томонидан жаримага тортилиши мумкин. Процессуал тартибда иш юритиш усулларидан бири бўлган суд жаримасининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтиш фойдадан ҳоли эмас.***



Суд томонидан жарима қўллашдан кўзланган асосий мақсад — судда фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўрилишини таъминлашдан иборат. Бунда суд процессида белгиланган тартибни сақлаш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз зиммаларидаги процессуал бурчларни бажаришига эришиш кўзда тутилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Тарих тилсимлари*

## ИСПАНИЯДАГИ ИБН СИНО МИНОРАСИ

***Ватандошимиз, буюк мутафаккир, улуғ табиб Абу Али ибн Синонинг номи ва илмий мероси минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ғарбу Шарқда катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Унинг ҳаёти ва фаолиятига доир кўплаб асарлар битилган, халқ орасида эса, ривоят ва афсоналар яратилган.***

(Давоми 4-бетда) ▶



*Жиноятга жазо муқаррар!*

## Сохта дорифурушлар



### *судда пушаймон бўлишди*

***Ҳаётда енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юриб, мўмай даромад топишни кўзловчи кимсалар ҳам учраб туради. Лекин ҳақиқат шуки, қинғир йўл билан енгил даромад топишга уринишнинг ниҳояси ҳамиша пушаймонликка сабаб бўлади.***

(Давоми 2-бетда) ▶

*Парламент фаолияти*

# Қонунчиликдаги янгиликлар



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, қонун лойиҳасида йўл ҳаракатини ташкил этишга қўйиладиган умумий талаблар, бу борада самарадорликни таъминлаш тадбирлари, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткич ва техник воситаларига аниқлик киритилмоқда. Қолаверса, қонун лойиҳасида йўлларда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш, тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар, пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун тўлов ундирилмайдиган шахслар таркиби ҳам белгиланган.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келган тушунмовчиликларни бартараф этиш баробарида йўл эгалари, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кафолатлашга хизмат қилади.



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА ЯНГИ ВАКОЛАТ БЕРИЛМОҚДА

**“Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ, наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар наркология муассасалари, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзолари ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида ички ишлар органлари томонидан тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Фуқаролар хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш, психофаол моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатларининг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган **“Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳасида наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни ички ишлар органларининг ташаббуси билан ҳам расмийлаштириш белгиланмоқда.

Шунингдек, наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш механизмлари аниқлаштирилмоқда.



## РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизнинг чекка ва олис ҳудудларида мобиль алоқа ҳамда мобиль интернет қамровини кенгайтириш, кўрсатилаётган алоқа хизматларининг сифатини оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо фойдаланувчиларнинг ўз радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришига нисбатан мавжуд тақиқ радиочастота спектридан янада самарали фойдаланиш имкониятларини чеклаб келмоқда.

Шунингдек, ахборот хавфсизлиги таъминланишини янада кучайтириш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар талабидан келиб чиқиб, амалдаги “Радиочастота спектри тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш зарурияти юзага келмоқда.

**“Радиочастота спектри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳасида фойдаланувчиларга ўзларига бириктирилган радиочастота спектридан бошқа фойдаланувчилар билан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи берилиши ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланиши, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг тартибга солишга қаратилган ўзгартишлар назарда тутилган.

Ушбу қонун лойиҳаси келгусида радиочастота спектридан янада самарали фойдаланиш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, энг муҳими, аҳолининг янада сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминланишга ёрдам беради.

**ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

# ВОДИЙ ЖАВОҲИРИ ФАРҒОНА ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА БЎЛМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўтган йил декабрда иш бошлаган корхона йилига қарийб 3 миллион квадрат метр керамогранит маҳсулотлар тайёрлаш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 350 нафар ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Маҳаллийлаштириш даражаси 100 фоиз бўлгани боис товарлар хорижникидан анча арзон нархларда бозорга чиқарилмоқда. Шунингдек, уларнинг 35 фоизи Россия, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилиниши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонада ва умуман Қувасой шаҳрида экспорт кўрсаткичларини ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бунинг учун чет элдаги саноат зоналари билан ҳамкорлик ўрнатиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тиббиётда хусусий секторга имконият берилгани рақобат ва сифатни оширишда муҳим омил бўлмоқда. Фарғона вилоятида бундай муассасалар 720 тага етди. Улардан бири Фарғона шаҳридаги “Meridian” тиббиёт марказидир.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

2021 йил декабрда фойдаланишга топширилган клиника замонавий ташхис ва даволаш хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бунинг учун Германия, Жанубий Корея, Япония ва Хитойдан замонавий ускуналар келтирилган. Шифохона 120 та стационар ўринга, йилига 2 мингта жарроҳлик амалиётини ўтказиш қувватига эга.

Эътиборлиси, ўтган йили тиббиёт маркази ҳузурида университет ҳам очилди. Ҳозир 600 нафар талаба ўқимоқда, уларга чет эллик ўқитувчилар сабоқ бераётир. Талабалар тиббиёт марказида амалиёт ўтайди.

Шу тариқа бу муассаса замонавий клиникалар, ташхис марказлари, лабораториялар ва университетни ўзида бирлаштирган тиббиёт кластерига айланди.

Давлатимиз раҳбари шифокорлар билан суҳбатлашди.

– Хусусий тиббиётга шароит яратганимиз ўзини оқлади, буни аҳоли қабул қилди. Чунки одамларимиз яхши яшашга интиляпти, ўз соғлиғига қараяпти. Аҳоли даромадини ошириш бўйича қилаётган ҳамма ҳаракатларимиз аслида шунинг учун – халқимизнинг соғлом ва фаровон яшаши учун, – деди Шавкат Мирзиёев.

Клиниканинг интервенцион кардиология, кардиохирургия, трансплантология, радиологияни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Марғилон шаҳридаги “Олтин ипак карвонсаройи” туристик марказини бориб кўрди.

Бу ерга келган киши қадим ўзбек хонадонларидаги муҳитни ҳис этади. Мажмуанинг биринчи қаватида гиламдўзлик, каштачилик, мисгарлик каби халқ ҳунармандчилиги хоналари жойлашган. Уларда сайёҳлар миллий маҳсулотларимиз тайёрланиш жараёнини яқиндан кўриши, харид қилиши мумкин.

Иккинчи қаватда жами 30 ўринли қадимий услубдаги карвонсарой ташкил этилган. Истиқболда мажмуа бир йилда 10 мингдан ортиқ сайёҳларга хизмат кўрсатиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари миллий ўзлигимизга ва ёшлар тарбиясига эътибори учун ҳунармандларга миннатдорлик билдирди.

– Ҳозирги юксак технологиялар асрида мана шундай оддий, самимий жойларни одам соғинади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бу ҳунарларни, бу маданиятни бобо-момоларимиз фақат қўли билан эмас, қалб қўри билан яратган. Бир пайтлар бу йўналишлар йўқолиб кетишига оз қолганди. Уларни асраб-авайлаётганингиз учун раҳмат. Бу маданиятимизни нафақат чет элликларга тарғиб қилиш, балки фарзандларимизга ҳам сингдириш керак.

Президент усталарнинг миллий ҳунарларни мактабларда ўргатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Мутасаддиларга туризм салоҳиятини ошириш, уни тарғиб этишда кино санъатидан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўтган йили Марғилон шаҳрига «Жаҳон ипак ва икат ҳунармандлари шаҳри» мақоми берилган эди. Бундай мақомга Бухоро зардўзлик, Қўқон ёғоч ўймакорлиги бўйича сазовор бўлган.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
*ЎзА мухбирлари*



*Турмуш чорраҳаларида*

# БАХТЛИ ОИЛА – жамият таянчи

## бунга эришиш учун нималарга эътибор қаратиш талаб этилади?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мисол учун айтадиган бўлсак, қаршилик Лазиз Валиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 27 ёшида, айни навқирон вақтида ўзидан 7 ёш кичик бўлган, бувисининг уйида вояга етган Камола Ўринова билан турмуш қуради.

Улар дастлаб тинч-тотув яшашди. Ҳамма воқеа Камола қиз фарзандли бўлгач, бошланди. Дастлаб Л.Валиев арзимас сабаблар билан жанжал чиқаришни одат қилади. Бу орада фарзанднинг тоби қочгани Л.Валиев учун яна бир баҳона бўлади. У К.Ўриновани уриб, камситиб, уйдан ҳайдаб юборади. К.Ўринова бувисининг уйига боргач, фарзандини касалхонага олиб борганини эшитган Л.Валиев “Қизимни сенлар касал қилгансанлар!” — деб турмуш ўртоғининг кўпчилик олдида ҳақорат қилгани етмагандек, унга қўл ҳам кўтаради. Шундан сўнг улар ўртасидаги низо маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама қилиниб, ёш оила яраштириб қўйилади.

Афсуски, Л.Валиевнинг оиласига, фарзандининг тақдирига нисбатан муносабати ўзгармайди. У ўз қилмишларини давом эттириб, К.Ўриновани уриб, жисмоний азоб беришдан ўзини тиймайди.

Охир-оқибат К.Ўринова яна маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади ва маҳалланинг аралашуви билан ёш оила яраштириб қўйилади. Аммо бундай жанжаллар шундан сўнг ҳам давом этиб, ҳар сафар айнан маҳалланинг аралашуви билан Л.Валиев ва К.Ўринова муросага келтириб қўйилади.

Л.Валиев турмуш ўртоғи иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлганидан сўнг ҳам қилмишларидан тегишли хулоса чиқариб олиш, оила бошлиғи, оталик масъулияти ҳақида ўйлаб кўрмайди. К.Ўриновани мутассил ҳақоратлаб, камситиб, жисмоний куч ишлатиб, азоб бериб келади.

Охир-оқибат унинг қилмишларига чидай олмаган К.Ўринова ўз жонига қасд қилади.

Суд Л.Валиевни Жиноят кодексининг 103-моддаси 2-қисми “а, б” банди билан айбдор деб топиб, унга нисбатан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда тарқалаётган хотин-қизларга нисбатан турли кўринишдаги зўравонлик, руҳий ва жисмоний тазйиқлар ўтказилаётгани билан боғлиқ хабарлар кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Тўғри, бу тоифадаги жиноятлар учун жазо муқаррарлигини амалда таъминлаш мақсадида Жиноят кодексига тегишли ўзгартишлар киритилиб, жазо чоралари кучайтирилди. Бироқ амалиёт фақат жазо чораларини қўллаш таҳдиди билан эмас, аввало, аҳоли онгига ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этмаслик, атрофдагиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби олижаноб фазилатларни сингдириш, фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган профилактика ва маърифий тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу эса, барчамиздан сергаклик, хушёрлик, ён-атрофимиздаги воқеаларга бефарқ бўлмасликни тақозо қилади. Шу мақсадда тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган матбуот ва оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик, хусусан, маҳалла, таълим, ўқув муассасалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари имкониятларидан унумли фойдаланиш, эзгу мақсад йўлида жамиятимиздаги барча куч ва имкониятларни мувофиқлаштириш лозим. Зеро, мамлакатимиздаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш ҳамда унинг учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборатдир.

**Шаҳзод БАХТИЁРОВ,**
*Қашқадарё вилояти суди судьяси*

*Жиноятга жазо муқаррар!*

# Сохта

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда сифатсиз, қалбакилаштирилган ва таркибида кўп миқдордаги кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини тегишли рухсатномасиз сотиш таъқиқланган. Шундай бўлса-да, бу тоифадаги жиноятларни содир этиш ҳолатлари учраб турибди.

Сирдарёлик Шаҳзод ва Бекзод Бекпўлатов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ака-уканинг фарзанди. Улар дори воситаларини дорихоналардан ташқарида сотиш ва шунинг ортидан яхши даромад топишни мақсад қилиб, олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиришади. Жиноий режага кўра, Шаҳзод “Телеграмм” ижтимоий тармоғи орқали дори ва бошқа воситаларни олиб сотиш билан шуғулланиш мумкин бўлган “Pharm club” гуруҳига қўшилади. Уни кузатиб бориб, дориларнинг нархи, кимда қанақа дори воситаси борлигини ўрганиб чиқади. Шундан сўнг уларни сотиб олиб, номи ва нархини “Pharm club” ва “Arzon apteka” телеграмм гуруҳларига жойлаштиради.

Орадан кўп вақт ўтмай Бекзод Шаҳзодга қўнғироқ қилиб, “Pharm club” телеграмм гуруҳидан коронавирусга қарши Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган дори воситаларига харидор топилганини айтади. Дилфуза Толибжонова “Pharm club” ижтимоий тармоғидаги “Ремдесивер”, “Фавипиравир” ва “Актемера” номли дори воситаларини сотиши ҳақидаги эълонни ўқиб, ҳайрон қолади. Чунки у бу дориларни бундай усулда сотиш ноқонуний эканини яхши биларди. Шу боис Д.Толибжонова синаш мақсадида телеграмм ижтимоий тармоғи орқали Бекзоддан “Вирусга қарши дорилар борми?” — деб сўрайди. Ўз навбатида, Бекзод “Қанақа вирусга?” — деб сўрайди. Д.Толибжонова унга жавобан коронавирусга қарши дорилар зарурлигини ёзиб юборади.

Шундан сўнг Бекзод Д.Толибжоновага қўнғироқ қилиб, коронавирусга қарши “Ремдесивер”, “Фавипиравир” ва “Актемера” дорилари борлигини маълум қилади. Ўз навбатида, Д.Толибжонова “Ремдесивер”, “Фавипиравир”, “Актемера” дорисининг ҳар биридан эллик донадан олишини билдиради.

Бекзод “Ремдесивер”ни 460 минг, “Фавипиравир”ни 280 минг сўм, “Актемера”ни эса, 44 АҚШ долларига баҳолайди. Ўзаро келишувга мувофиқ Бекзод ва Шаҳзод 50 дона “Ремдесивер”, 50 дона “Фавипиравир”, беш дона “Актемера”ни 3 минг 200 АҚШ доллари ва 2 миллион 750 минг сўмга сотаётган пайтда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходимлари томонидан қўлга олинади. Шундан сўнг уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Енгил даромад топиш илинжи қариндошлардан ташқари ховослик Лочин Шоимовнинг ҳам хаёлини ўғирлайди. Эндигина йигирма икки ёшга тўлган Л.Шоимов бирон-бир тайинли ишнинг бошини тутиш ўрнига осон даромад топишга одатланган эди.

У таркибида кўп миқдордаги кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рухсат бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш орқали мўмай даромад топишни кўзлайди.

Шу мақсадда у кучли таъсир қилувчи “Регопен”, “Тропикамид” ва “Селофан” дори воситаларини ноқонуний равишда сотиб олиб, уларни Тошкент шаҳрида 1 миллион 300 минг сўмга сотаётган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади.



*Муносабат*

# Одил судлов ва қонун устуворлиги

## *суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган **“Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ҳамда **“Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонлари одил судловни таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифаларни белгилаб берди.

Маълумки, охирги йилларда прокуратура органлари томонидан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ижобий ишлар амалга оширилиб, луғатимизда “халқ прокуратураси” деган ибора пайдо бўлди. Аммо шу сингари саъй-ҳаракатларга қарамасдан, одил судловни таъминлашда прокурор иштирокига етарли эътибор қаратилмагани боис ушбу йўналишда айрим камчиликлар юзага келаётганини ҳам айтиш жоиз.

Амалиётдаги шу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Фармонлар асосида одил судловни таъминлашда прокуратура органларига кенг шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, одил судловга эришишга хизмат қилувчи ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойиллари тўлиқ рўёбга чиқарилмоқда. Судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган янги механизм, яъни Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси жорий этилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ихтисослашган прокурорлар корпуси тажрибали, белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга қодир, прокуратура органларида бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган профессионал кадрлар ҳисобига шакллантирилади.

Ўз навбатида, вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратуралар Ихтисослашган прокурорлар корпусига туман (шаҳар) прокуратураларининг тегишли йўналишларида камида уч йил, Бош прокуратура Ихтисослашган прокурорлар корпусига эса, камида беш йил фаолият юритган ходимлар жалб қилинади.

Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари судларда прокурор ваколатини таъминлаш соҳасида узлуксиз уч йил хизмат ўтаганидан сўнг бошқа йўналишларга ўтказилиши мумкин. Бундай қарор Бош прокурорнинг соҳавий ўринбосари розилиги асосида амалга оширилади.

Эндиликда Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонун асосида амалга оширади. Уларнинг судда иштироки билан боғлиқ фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Судларда иштирокини тўлиқ таъминлаши учун прокурорларга суд биноларида алоҳида хизмат хоналари ажратилади.

Шунингдек, Фармон билан “Судларда прокурор иштироки” ахборот тизими яратилиши ҳамда Бош прокуратура ва Олий суд ахборот тизимлари интеграция қилиниши асосида ўзаро ҳужжат алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши ҳам кўзда тутилган. Бинобарин, бу ишлар ҳозирги ахборот даврида ниҳоятда муҳим.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Фармонлари асосида тизимда амалга оширилаётган изчил ўзгаришлар Ихтисослашган прокурорлар корпусини профессионал кадрлар билан тўлдиришга, улар учун барча шароитларни яратиш, муҳими, одил судловни таъминлашда тортишув тамойилини рўёбга чиқариш ва суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

**Наримон УМАРОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси*

*Таҳлил ва таклиф*



# Суд жарималари

## инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Суд жарималари давлат ҳисобига ундирилади. Суд процесси иштирокчилари ҳамда процессга жалб этилган бошқа шахслар томонидан тартиб-интизомга риоя қилинишини таъминлаш ва шу орқали фуқаро ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ушбу чоранинг аҳамияти катта.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, суд жарималари тегишли суд томонидан ажрим чиқариш орқали амалга оширилади. Судья томонидан қўлланиладиган жариманинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ошмаслиги керак.

Жарима қўлланилган шахс суддан жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни суд ажримининг кўчирма нусхасини олганидан сўнг беш кун ичида илтимос қилиши мумкин. Бу ариза жарима солинган шахсни хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади.

Ўрни келганда шуни қайд этиш жоизки, аввалги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексда фуқаролик процесси иштирокчиларини судга мажбурий келтириш мақсадида процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ҳақида алоҳида норма мавжуд эмас эди. Гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатма бергани, суд узрсиз деб топган сабабларга кўра, кўрсатма беришни рад этгани ёки ундан бўйин товлагани учун Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланганди.

Шунингдек, кодексда гувоҳга нисбатан мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чоралари қўлланиши ҳам назарда тутилмаган эди. Гарчи гувоҳнинг кўрсатмалари ҳал қилув қарори қабул қилишда катта таъсир кўрсатса ҳам, аввалги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексда гувоҳга нисбатан суд жаримасини қўллаш қайд этилмаганди.

Шуни айтиш керакки, суд жарималари янги қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексга мувофиқ қуйидаги шахслардан ҳам ундирилади. Масалан, Фуқаролик процессуал кодекснинг 60, 62, 86, 92, 110-моддаларида кўрсатилган ҳолларда суд томонидан жарималар қўллаш асослари ва уларнинг миқдори кўрсатилган.

Хусусан, суд томонидан ишда иштирок этмаётган ташкилот ёки фуқароларга ҳам, агар ташкилот ёки фуқаролар томонидан суд талаб қилаётган ёзма ёки ашёвий далиллар судга тақдим этилмаса ёки узрли сабаблар мавжуд эканлиги маълум қилинмаса, Фуқаролик процессуал кодекснинг 146-моддаси бўйича жарима қўлланиши мумкин. Аҳмиятли жиҳати шундаки, жарима жазоси қўлланиши фуқаро ёки ташкилотнинг мажбуриятни бажаришдан, яъни ёзма ёки ашёвий далилларни тақдим этишдан озод қилмайди.

Суд жарималари эксперт ёки мутахассисларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, агар эксперт суд узрсиз деб топган сабабларга кўра, суд чақируви бўйича келмаса, унга нисбатан жарима қўлланилади.

Ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд томонидан қўлланилган жарималар уларнинг шахсий маблағи ҳисобидан ундирилади. Суд томонидан жарима қўллаш тўғрисидаги ажрим чиқарилгач, унинг нусхаси дарҳол айбдор шахсга юборилади. Суднинг жарима қўллаш тўғрисидаги ажрими устидан ўн кунлик муддат ичида хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодекснинг 148-моддасига кўра, фуқаролик судлари томонидан белгиланган жарима миқдорини камайтиришни ёки бутунлай озод қилишни сўраб, суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида илтимос қилиш мумкин ва ушбу илтимоснома, шахсни хабардор қилган ҳолда, суд мажлисида кўриб чиқилади. Бундай вазиятда аризачининг судга келиш ёки келмаслиги аҳамиятга эга эмас.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексда ёзма далилларни тақдим этиш мажбуриятини бажармаган шахсларга нисбатан ҳам жарима жазоси қўлланиши белгиланган.

Ашёвий далиллар деганда, ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси сифатида хизмат қиладиган нарсалар тушунилади. Ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, вакилларга, зарур ҳолларда эксперт ва гувоҳларга тақдим этилади.

Ашёвий далилларни аниқлашда фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинган ҳолларда, ашёвий далиллар суд экспертизасининг текшириш предмети бўлиши мумкин.

Демак, фуқаролик ишини қонуний ва асосли ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ашёвий далилларни суд ёки суд томонидан белгиланган шахсга бермаслик тегишли тартибда жарима қўлланишига сабаб бўлади ва жарима шахсни мажбуриятини бажаришидан озод қилмайди. Бундан ташқари даъвони таъминлаш чораларига риоя қилинмагани учун ҳам жарима қўлланиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, суд томонидан қўлланилган жарималар процесс иштирокчилари ҳамда процессга жалб этилган бошқа шахслар томонидан тартиб-интизомга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Қолаверса, шу орқали фуқаро ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутади.

**Асал ХАЙРУЛИНА,**
*Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси*

***Мамлакатимизда тўй ва бошқа оилавий маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш, исрофгарчилик ҳамда дабдабабозликка йўл қўймаслик борасида тегишли тарғибот ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки халқимизнинг азалий қадриятларига беписанд муносабатда бўлиш, ҳою-ҳавас ортидан, манманликка бериш турли хил нохуш ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.***

*Жиноят ва жазо*

# Гилам можароси

## *бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлди*



Бундан ҳам ёмони шундаки, айни шу иллатлар боис баъзи оилалар пароканда бўлиб, бегуноҳ кишилар жабр кўрмоқда. Масалан, Поп туманида рўй берган мудҳиш жиноят ҳам тўйда тўёна қилинган гилам можаросидан келиб чиқди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, бундан анча йил муқаддам Бахтиёр Қодиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) опаси Салима Қодированинг фарзанди тўйига тўёна сифатида каттагина гилам олиб боради. Бундан табиийки, С.Қодирова ҳам хурсанд бўлади.

2022 йилнинг қиш ойларида Бахтиёр Қодиров ҳам ўғли Жавлоннинг тўйини ўтказади. С.Қодирова ҳам зиммасидаги қарзни узиш мақсадида акаси, шунингдек, жондек азиз жиянининг тўйига тўёна сифатида гилам олиб келади. Аммо у турмуш ўртоғи Акмал Эсонов билан олиб келган гилам кичикроқ ва арзонроқ бўлиб чиқади. Бу эса, Б.Қодировга ёқмайди.

Тўйдан сўнг орадан бир ҳафта ўтгач, Б.Қодиров маст ҳолатда “опам менинг тўйимга кичик гилам олиб келди, мен катта ва қиммат гилам тўёна қилгандим”, дея опасининг уйига боради. Буни қарангки, шу гилам сабаб буткул андишани унутган Б.Қодиров поччаси Акмал Эсонов билан жанжаллашади ва ҳатто муштлашишгача боради. Жанжалга А.Эсоновнинг ўғли Шавкат ҳам аралашади, у тоғасини дўппослаб, уйидан чиқариб юборади. Шу тариқа икки оила ўртасида катта жанжал бошланади.

Отасига Шавкат қўл кўтарганини эшитган Жавлон Йўлдошев укаси билан бирга қассобчиликда фойдаланиладиган болтани олиб, тўппа-тўғри аммасининг уйига йўл олишади. Ж.Йўлдошев қўлидаги болта билан дарвозани уриб, жияни Шавкатни чақиради. Бир зумда ҳовлини бақир-чақир ва тўполон тутиб кетади. Буни эшитиб, ён-атрофдаги қўшнилар чиқиб, Жавлоннинг қўлидаги болтани олиб қўйишади, унинг ўзини эса уйига жўнатиб юборишга ҳаракат қиладилар. Аммо Жавлон қуюшқондан чиққан, сира муросага кўнмайди. У қўшнилар қистови билан автомашинага ўтиргач, салондаги ошпичоқни олиб, яна Шавкат билан жанжаллаша бошлайди. Охир-оқибат у жазавага тушганча Шавкатнинг кўксига қўлидаги ошпичоқни икки марта санчади... Шавкат Эсонов оғир жароҳати туфайли воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади...

Албатта, суд томонидан бу мудҳиш жиноятни содир этган Ж.Йўлдошевга нисбатан қонуний жазо тайинланди. Аммо афсусланарли томони шундаки, оддийгина бир гилам можароси туфайли катта ҳаётга энди қадам қўйиб келаётган Ш.Эсоновнинг умри хазон бўлди, Ж.Йўлдошев узоқ йиллар умрини темир панжара ортида ўтказади. Бундан ҳам ёмони, азалдан қон-қариндош икки оила бир умрга юзкўрмас бўлиб кетди.

Бу мудҳиш жиноятнинг рўй беришига худбинлик, молпарастлик, узоқни кўра билмаслик, бир сўз билан айтганда, жоҳиллик сабаб бўлган. Аслида Б.Қодировнинг маст ҳолатда уят-у андишани унутган кўйи опасининг уйига иддао билан кириб келиши, юзинг-кўзинг демай жанжал кўтаришини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундан ташқари унинг поччаси А.Эсоновнинг муросаю мадорини унутиб қўйгани, ўғли Шавкатни бу йўлдан қайтармагани ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Бу воқеани баён этишдан мақсад шуки, ҳаётда худбинлик ва молпарастликка берилиш, ўз манфаатини ҳам нарсадан устун қўйиш ҳамиша шундай аянчли ва фожиали якун топишини яна бир карра таъкидлашдир.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Илёсжон УСМОНОВ,**
*Наманган вилояти суди судьяси*



# дорифурушлар

## *судда пушаймон бўлишди*

Айтиш керакки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертиза ва стандартлаштириш давлат марказининг хулосасига кўра, Шаҳзод ва Бекзод Бекпўлатов сотишга уринган дори воситаларини сотиш, улардан фойдаланиш ва тиббий амалиётда қўллаш тақиқланган. Қолаверса, улар дори воситалари реализацияси фаолияти билан шуғулланиши учун махсус рухсатномага эга бўлмаган.

Л.Шоимов томонидан қонунга хилоф равишда муомалага киритишга уринилган дори воситалари таркибида “Прегабалин” ва “Залеплон” сингари кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлиб, уларни махсус рухсатномасиз сотиш қатъий ман этилган.

Суд ҳар икки жиноят иши бўйича судланувчиларга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги, судланувчиларнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, ёшлиги ва оилавий аҳволини инобатга олди. Жиноят кодексининг $186^3$-моддаси 2-қисми “б” бандига асосан айбдор деб топилган Ш.Бекпўлатов ва Б.Бекпўлатовга уч йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Л.Шоимовга нисбатан суд ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгилади.

Шу тариқа енгил даромад топиш илинжида содир этилган жиноий қилмишларга нисбатан қонуний жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сифатсиз ва қалбаки ёки таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд дори воситаларини сотиш юртдошларимизнинг сиҳат-саломатлигига катта зиён етказади. Баъзи ҳолатларда бунинг оқибати фожиали тугаши ҳам мумкин. Шу боис бу турдаги жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ҳар бир кишининг масъулиятли бурчи ҳисобланади.

**Жавлон ЖАББОРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Ховос тумани суди раиси*



### *Тарих тилсимлари*

# ИСПАНИЯДАГИ ИБН СИНО МИНОРАСИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бу каби афсона ва ривоятлар нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам машҳур бўлган. 1404-1405 йилларда соҳибқирон Амир Темур саройига Кастилия қироли номидан элчи бўлиб келган Руи Гонзалес де Клавихо кундалигида қизиқ бир маълумот қайд этилган. Элчининг ёзишича, ўша йилларда олис Испанияда ҳам ибн Сино ҳақида турли ривоят ва афсоналар кенг тарқалган. 1404 йилнинг 13 июнь куни Самарқанд сафарига чиққан Клавихо Испаниянинг шарқий соҳилларига яқин бўлган Ивиса оролига келиб тўхтайди.

“Ивиса — кичик орол, — деб ёзади Клавихо кундаликларида. — Турли хил дов-дарахтлар билан қопланган. Шаҳар денгиз соҳилидаги баланд тепаликда жойлашган. У уч қатор истеҳком девори билан ўралган бўлиб, девор оралиғидаги ҳудудда ҳам аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарнинг денгизга яқин энг баланд жойида юксак қалъа қад ростлаган. Бу қалъа ҳам девор билан ўралган. Қалъа ёнида баланд минорали шаҳар черкови бор, у қаср билан туташиб кетган. Оролда денгиз сувидан туз ажратиб оладиган корхона ишлаб турибди. Ҳар йили денгиз сувидан кўплаб туз ажратиб олинади. Бу ерга Шарқдан кемалар келиб, туз ортиб кетади. Корхонанинг даромади катта. Шаҳар деворида “Авиценна” деган минора бўлиб, миноранинг ичкариси хоналардан иборат. Авиценнани шу оролда туғилган дейишади...”

Ибн Сино Ғарбда Авиценна номи билан Клавихога қадар ҳам донг таратгани маълум. Чунки улуғ ҳаким асарлари XII асрдаёқ Европада лотин тилига таржима қилинган. Италиялик машҳур файласуф Герардо Кремонезе (1114-1187) ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асаридаги бир нечта бобларни лотин тилига ўгирган. Италиялик машҳур адиб Алигьери Данте (1265-1321) “Илоҳий комедия” асарида ибн Сино номини кўплаб Шарқ алломалари қаторида эътироф этган. Бу ибн Синонинг Европада машҳур бўлгани, номи тилларда достон бўлганини исботлайди.

Айни пайтда Испанияга тегишли бўлган бу орол мамлакатнинг шарқий қисмида, Ўртаер денгизидаги Питиуз архипелаги таркибига киради. Орол бугунги кунда беш та маъмурий бирликка бўлинган. Клавихо тилга олган қалъа айни пайтда Ивиса муниципалитетининг маъмурий маркази ҳисобланади. 11 квадрат-километрини эгаллаган шаҳарда 50 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ивиса шаҳридаги марказий кўчалардан



бири ҳам ибн Сино (Авиценна) номи билан аталади.

Шаҳардаги бир қатор тарихий ёдгорликлар қаторида Ивиса қалъаси ҳам сақланиб қолган. Тепаликда жойлашган қалъа минораси унинг энг баланд нуқтаси саналади ва у узоқдан кўриниб туради. Аммо ҳозирда у ибн Сино номи билан аталмайди. Эҳтимол, Клавихо тилга олган қалъадаги ички хоналарга эга бўлган ягона минора ўтмишда буюк бобакалонимиз номи билан аталган, кейинчалик унинг номи ўзгариб кетган ёки айнан ўша минора бугунги кунгача етиб келмагандир? Афсуски, ҳозирча бу ҳақда аниқ маълумот йўқ бўлса-да, буюк бобокалонимизнинг номи олис Испаниянинг чекка ҳудудида ҳозир ҳам ҳар куни тилга олинади. Бу биз — авлодларга фахр бағишлаши баробарида зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Зеро, аждодларга муносиб бўлиш фидойилик, шижоат ва интилишни талаб этади.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

### *Қизиқарли фактлар*

# ҒАРОЙИБ МАШҲУРЛИК СИРИ

## *ёхуд халоскор мушук*

***Британиялик Жеймс Боуэн бошпанаси ва тайинли иши йўқ оддий бир кўча дайдиси эди. У егулик учун пул топиш мақсадида кўчада қўшиқ айтарди. Кунлардан бирида унинг ёнида ёқимтой бир мушук пайдо бўлади. Шундан сўнг мушук туфайли йигитнинг ҳаёти тубдан ўзгариб кетади. У ёмон одатлардан халос бўлади. Кейинчалик у таниқли инсонга айланиб, бойиб кетади. Қуйида шу ҳақида ҳикоя қиламиз.***

1979 йилда Англиянинг Сарри графлигида туғилган Жеймснинг ота-онаси у болалигидаёқ ажрашиб кетади ва бошқа одамга турмушга чиққан онаси ўғлини ўзи билан Австралияга олиб кетади. Жеймс 18 ёшга тўлганида Британияга қайтиб, ўгай опасиникида яшай бошлайди. Аммо тезда у ердан қувилади ва кўчаларда яшаб юрувчи бошпанасиз одамга айланади.

Жеймс кўчада яшар экан, гиёҳванд моддаларга рўжу қўяди. У кўчаларда қўшиқ куйлар ва шу тариқа егулик учун озроқ пул ишларди.

Жеймс Австралиядан қайтиб келгач 10 йил давомида шу тарзда дарбадар яшайди, турли шаҳарлар бўйлаб кўчиб юради. 2007 йилда у Тоттенҳем шаҳри кўчаларида яшаб юрганида бошпанасизларга кўмак берувчи ташкилот ходимлари эътиборига тушади.

Улар Жеймснинг гиёҳвандликдан халос бўлишига ёрдам беришга қарор қилишиб, уни шаҳар маъмурияти молиялаштирадиган уйлардан бирига жойлаштиришади. Жеймс гиёҳванд модда истеъмол қилмаслиги учун унга таркибида “метадон” бўлган дори ичишга рухсат беришади. Бу учун унга махсус рухсатнома беришади. Жеймс у орқали дорини белгиланган вақтда махсус дорихонадан олиши мумкин эди. Дастурда “метадон” истеъмоли вақт ўтиши билан камайтириб борилиши ва шу йўл билан гиёҳванд моддалар таъсиридан қутулиш кўзда тутилганди. Гарчи Жеймс энди совуқ ва ёмғирли ҳаводa кўчада тунаб қолишдан қутулиб, вақтинча бўлса ҳам ўз бошпанасига эга бўлган бўлса-да, озиқ-овқат учун пул топиш муаммо эди. У Тоттенҳемнинг одамлар гавжум жойларида қўшиқ айтар экан, тушадиган пул унинг тузукроқ овқатланиши учун етмасди. Ана шундай шароитда озиб кетган Жеймс баъзан кунни оч ўтказишга ҳам мажбур бўлар эди.

Кунлардан бирида унинг хонасида ёқимтой мушук пайдо бўлади. Жеймс эгасиз мушукка “Боб” деб лақаб қўяди. Шундан сўнг Жеймс ўзига ўрганиб қолган мушукни елкасига опичлаб олиб қўшиқ айта бошлайди. Бу эса, тезда одамларнинг эътиборини тортади. Жеймс қўшиқни тугатгандан сўнг томошабинлар у билан суратга тушади. Уни мушук билан қўшиқ айтаётган ҳолатини суратга олиб, ижтимоий тармоқларга жойлашади. Уларни миллионлаб одамлар томоша қилишади. Тез орада мушукнинг ҳам мухлислари пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, Жеймсга мўмай даромад келтиради.

Кутилмаган бундай муваффақиятдан руҳланган Жеймс “метадон” қабул қилишни ҳам тўхтатади. Шундан сўнг у бир неча кун танасидаги оғриққа чидай олмай уйда ётса-да, садоқатли мушук унинг ёнидан кетмайди. Бу эса, Жеймсга куч беради ва у оғриқларни мардонавор енгиб ўтади.

Ижтимоий тармоқларда машҳур бўлгач, Жеймснинг мушугини кўриш учун у қўшиқ айтадиган жойга кўпчилик кела бошлайди. Шунга яраша тушум ҳам ошиб, Жеймснинг моддий таъминоти анча ўнгланади.

2010 йилга келиб Жеймс анча машҳур бўлиб улгурган, маҳаллий телеканалларда у ҳақда бир нечта лавҳалар эфирга берилган бўлса-да, йигит ҳамон кўчада дарбадар ҳолда қўшиқ айтиб юрарди. Ўша пайтда маҳаллий “Islington Tribune” газетасида кўча қўшиқчиси ва унинг мушуги ҳақида мақола эълон қилинади. Уни адабий агентлик билан шуғулланувчи Мэри Пенкос исмли аёл ўқиб қолади ва Жеймсни қидириб топади.Мэри Жеймсга бошидан ўтганларни ёзиб китоб ҳолида чоп этиш таклифини беради. У Жеймсни бу иш барчага фойда келтиришига ишонтиради. Мэрининг таклифидан сўнг Жеймс адиблардан бири билан ҳамкорликда бошидан ўтказган воқеаларни ёза бошлайди. Жеймс ўз асарига «Боб лақабли дайди мушук» деб ном беради. Китоб чоп этилгач, у Жеймсга мўмайгина даромад ва машҳурлик олиб келади. Китоб биргина Британиянинг ўзида миллион нусхада сотилади.

Қисқа вақтда дунёнинг 30 тилига таржима қилиниб, чоп этилган китоб “The Sunday Times” газетасининг бестселлер асарлар рейтингида энг қизиқарли китоб сифатида биринчи ўринга лойиқ кўрилади. 2013 йилда Жеймснинг китоби АҚШда ҳам чоп этилади ва “New York Times” газетасининг бестселлер асарлар рўйхатида дунёнинг энг қизиқарли китоблари орасида еттинчи ўринни эгаллайди. Жеймснинг китоби жуда катта муваффақият билан сотилгач,ноширлар унга китобнинг давомини ва болалар учун мўлжалланган вариантларини ёзишни таклиф этишади. Шундан сўнг Жеймс мушуги ҳақида яна ўнга яқин китоб ёзиб, бир нечта совринларни қўлга киритади. Жумладан, 2012 йилда Жеймсга Британия миллий китоб совринни топширилади.

2015 йилда америкалик таниқли кинорежиссёр Рожер Споттисвуд асар асосида «Боб лақабли дайди мушук» деб номланган фильмни суратга олади. 8 миллион АҚШ доллари сарфланган фильмда бош ролни британиялик таниқли киноактёр Люк Тредэвэй, мушук ролини ҳақиқий Боб ижро этган.

2017 йилда фильм Британия миллий киномукофоти танловида «Энг яхши фильм» деб топилади. 2020 йилда Боб ва Жеймснинг ҳаёти ҳақида яна бир фильм суратга олинган. Бир вақтлар дайди йигит бўлган ва халоскор мушук сабабли тўғри ҳаётга қайтган Жеймс Боуэн ҳозирда Британиядаги бадавлат ва машҳур инсонлардан бири саналади.

Бу инсон метин ирода, меҳр-муҳаббат ва меҳнат орқали ҳаётини тубдан ўзгартира олиши ва катта муваффақиятларга эришиши мумкинлигига ёрқин далилдир.

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

***Маълумки, бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фаолият юритиш кўпгина ёшларнинг орзусига айланган. Ахир, юртимизда қонун устуворлиги, эл-юрт тинчлигини таъминлаш, ҳамюртларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшишдан ҳам шарафли бахт борми?!***

### *Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!*



# ҚАРИНДОШИНИ АЛДАГАН ФИРИБГАР

Аммо ҳаётда ёшларнинг ана шундай орзусидан ўзининг чиркин ва тор манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Қарши шаҳрида яшовчи Ўткиржон Ҳамдамов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам 2020 йилнинг март ойида ҳарбий хизматдан қайтгач, ички ишлар идораларига ишга киришга ҳаракат қилади. Унинг мақсади Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида фаолият юритиш эди. Бинобарин, у айни шу тизимда фаолият юритадиган қариндоши — тоғасининг ўғли Отабек Эрматовдан маслаҳат сўрайди.

— Майли, мен танишларим билан маслаҳатлашиб кўраман. Аммо ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди, ишга киришнинг “харажати“ бор, — дейди Отабек суҳбатда чоғида.

— Тушундим, — дейди унга жавобан Ў.Ҳамдамов. — Нима хизмат бўлса, тайёрман.

— Ишга киргач, дастлаб вазирлик академиясида — сержантлар тайёрлаш курсида ўқийсан. Кейин асосий хизматга ўтасан, — деб тушунтиради унга Отабек Эрматов.

Шундан сўнг О.Эрматов айни масалада таниши Рустам Қўлдошев билан гаплашади. Ўзаро суҳбат асносида Отабек унга қариндошининг моддий имконияти етарли эканини ҳам айтади.

— Ҳаммасини тушундим. Жиянингиз келиб, менга учрашсин, — дейди Р.Қўлдошев.

Шундан сўнг Ў.Ҳамдамов Р.Қўлдошев билан учрашади.

— Аввал бир қатор синовлардан ўтишингиз керак. Шу боис ҳозирдан жисмоний тайёргарлик бошлайверинг, — дейди Р.Қўлдошев.

Орадан икки ой ўтгач, Отабек Эрматов унга қўнғироқ қилиб, ишга киритиш учун 4500 АҚШ доллари бериш лозимлигини айтади. Бинобарин, Ў.Ҳамдамов “Нексия” русумли автомашинасини 37.000.000 сўмга сотиб, банк орқали хорижий валютага айлантиради. Аммо у қариндошига 2500 АҚШ доллар беради, “харажат”нинг қолган қисмини ишга киргач, беришни мўлжаллайди.

Шундан сўнг орадан тўрт ой ўтса-да, Ў.Ҳамдамов ишга жойлаша олмайди. У бунинг сабабини билиш мақсадида, Отабекнинг олдига боради.

— “Хизмат ҳақи“нинг қолганини ҳам беришинг керак, — дейди О.Эрматов.

2020 йилнинг сентябрь ойида Ў.Ҳамдамов 900 АҚШ долларини О.Эрматовга беради. Шундан сўнг у муайян муддат Тошкентда ижарада яшаб, ишга кириш учун тайёргарлик кўради. Ҳатто тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида танасида аниқланган “варикацел” касаллигидан жарроҳлик йўли билан халос бўлади. Аммо орадан яна бир йил ўтиб кетса ҳам, ваъда қилинган ишдан дарак бўлмайди. Аксинча, О.Эрматов ва Р.Қўлдошев турли važ-карсонларни тўқиб, уни алдаб юришади.

Қисқаси, Ў.Ҳамдамов тишини тишига қўйиб, яна беш ой кутади. Лекин унга ишга кириш насиб этмайди. Охир-оқибат у алданганини, фирибгарлар “чув” туширишганини англаб етади. Шундан сўнг 2022 йилнинг февраль ойида О.Эрматов ва Р.Қўлдошевга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

Буни қарангки, унинг мурожаатидан сўнг О.Эрматов югургилаб қолади. Яъни у Ў.Ҳамдамовнинг уйига келиб, пулни Р.Қўлдошевга берганини айтишини илтимос қилади. Аммо суриштирув жараёнида О.Эрматов билан Р.Қўлдошев юзлаштирилганда барчаси ойдинлашади. Оқибатда икки фирибгарга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Касби тумани суди уларни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 28,211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, қонуний жазо тайинлади.

Шуни қайд этиш жоизки, суд жараёнида Ў.Ҳамдамов ва унинг отаси Д.Ҳамдамов пора сифатида берилган 3400 АҚШ долларини судланувчилардан ундириб беришни, зарар қопланган тақдирда уларга нисбатан даъводан воз кечишни таъкидлашди. Аммо суд бу маблағни давлат эгалигига ўтказди. Чунки Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги **“Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарори 16 ва 17-бандларига мувофиқ, пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра, жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди. Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмас. Агар жабрланувчи пора талаб қилингани ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекснинг 211-моддаси 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим. Бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.

Қисқаси, пора орқали ўз мақсадига эришмоқчи бўлганлар қаттиқ адашишди. Зеро, коррупцияга қўл урганларнинг қисмати ҳамиша аянчлидир.

**Маҳфират ОЧИЛОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Касби тумани суди раиси*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***
Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 8150
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21.00. Топширилди: 22.50.